

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**464** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятида бўлган вақтдаги топшириқларини амалга оширишга доир Тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида

Андижон вилояти саноат салоҳиятини ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли пунктларининг архитектуравий қиёфасини яхшилаш ва ободонлаштиришни таъминлаш, шунингдек вилоят турмуш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 сентябрь — 1 октябрда Андижон вилоятида бўлган вақтдаги топшириқларини амалга оширишга доир Тадбирлар режаси (кейинги ўринларда Тадбирлар режаси деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

тасдиқланган Тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсинлар;

Тадбирлар режасини амалга оширишни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини аниқласинлар;

Тадбирлар режасининг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатсинлар ҳамда муаммоли масалаларни ҳар ойда кўриб чиқсинлар, уларни ҳал этиш юзасидан зарур тезкор ва амалий чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Андижон вилояти ҳокимлиги (Усмонов):

бир ҳафта муддатда ушбу қарорни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин, унда бажариш муддатлари ва бажариш учун масъулларни кўрсатган ҳолда қарорни бажаришнинг календарь жадвалини тасдиқлашни назарда тутсин;

ҳар ойда тадбирларнинг бажарилиши муҳокамасини ташкил этсин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли ахборот тақдим этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги раҳбарлари Тадбирлар режасининг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 26 октябрь,
288-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 26 октябрдаги 288-сон қарорига
ИЛОВА


464-модда

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 сентябрь — 1 октябрда
Андижон вилоятида бўлган вақтдаги топшириқларини амалга оширишга доир
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари	Масъул бажарувчилар	Бажариш муддатлари
1.	Андижон шаҳрининг маркази жойлашган жойни белгиловчи бош режани ишлаб чиқиш, марказий майдон ва анжуманлар саройини қуриш.	Хўжаев Б.А., «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), Андижон вилояти ҳокимлиги (Усмонов)	2011 йил 1 декабрь
2.	110-35 кВ кучланишли икки занжирли электр узатиш линиясини Андижон вилояти Андижон туманидаги «Камолот» мавзеси ҳудудидан кўчириш.	«Ўзбекэнерго» ДАК (Тешабоев), Андижон вилояти ҳокимлиги (Усмонов)	2012 йил 1 март
3.	Андижон шаҳрида кичик ички ва катта ҳалқа йўлларини қуриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	Хўжаев Б.А., «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Гуськова), Республика йўл жамғармаси (Шуқуров), «Ўзавтойўл» ДАК (Абдуллаев), Андижон вилояти ҳокимлиги (Усмонов)	2011 йил 1 декабрь
4.	Андижон шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланиши муносабати билан Комиссия таркиби юзасидан таклиф киритиш ва тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.	Арипов А.Н., Андижон вилояти ҳокимлиги (Усмонов)	2011 йил 15 ноябрь
5.	Дастурни 2014 йилда тўлиқ тугаллаган ҳолда, инфратузилма объектларини қуриш ва фойдаланишга топширишни тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда Андижон вилоятининг уй-жой мавзелари учун коммунал инфратузилмани жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» 2010 йил 18 июндаги ПҚ-1355-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар киритиш.	Хўжаев Б.А., Андижон вилояти ҳокимлиги (Усмонов), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Гуськова)	2011 йил 1 декабрь

— 12 —

43-44 (491-492)-сон



Т/р	Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари	Масъул бажарувчилар	Бажариш муддатлари
6.	Асака шаҳрининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришни, ободончиликни давом эттиришни ва ташқи қиёфасини ўзгартиришни назарда тутувчи шаҳарни ривожлантиришнинг бош режасини ишлаб чиқиш.	Азимов Р.С., Хўжаев Б.А., «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Андижон вилояти ҳокимлиги (Усмонов)	2011 йил 30 декабрь
7.	Андижон ва Асака шаҳарларининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш учун Асака туманини ва Андижон туманининг бир қисмини боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Республика комиссиясига (Мирзиёев) киритиш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Рўзиев), «Ергеоздекадастр» давлат қўмитаси (Арабов), Андижон вилояти ҳокимлиги (Усмонов), Иқтисодиёт вазирлиги (Салимов)	2011 йил 15 ноябрь
8.	Яқин 5 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши учун ер участкалари ажратишнинг аниқ манзилли режасини ишлаб чиқиш, унда пахта ва ғалла далаларидан узоқроқда бўлган камида 50-60 та уйни жойлаштириш имконияти бўлган ер участкаларини танлашни назарда тутиш.	Хўжаев Б.А., «Қишлоққурилишинвест» инжиниринг компанияси (Хошимбеков), «Ергеоздекадастр» давлат қўмитаси (Арабов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	2011 йил 1 декабрь
9.	Фермер хўжаликлари туман Кенгашларини тузиш юзасидан таклифлар ҳамда улар фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган бошқа тавсиялар ишлаб чиқиш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис, сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш хизмати (келишув бўйича), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Рўзиев)	2011 йил 30 декабргача